

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

2023 йилнинг 27 июнь куни соат 17.00 да "Ўзагросуғурта" АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши Жамият Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2 уйда жойлашган маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. «Ўзагросуғурта» АЖ Бошқаруви раисининг 2022 йил бизнес-режасининг асосий кўрсаткичларининг бажарилиши ва Жамиятни ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Ўзагросуғурта» АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил яқунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
5. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига 2022 йилда риоя қилиниши бўйича мустақил баҳолаш натижалари юзасидан ҳисоботни эшитиш.
6. «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарари ҳисоби бўйича ҳисоботи ва аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш.
7. «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
8. Акциядорлар ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси, ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган дивидендларини Жамият ихтиёрига ўтказиш.
9. Жамият Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини кўриб чиқиш.
10. «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) ҳамда йирик битим (битимлар) рўйхатини аниқлаш ва тасдиқлаш.
11. Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги, Жамият ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомларни янги таҳрирда тасдиқлаш.
12. «Ўзагросуғурта» АЖ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг келгусида, кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда, эҳтимолий ҳомийлик (хайрия) ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш)га боғлиқ бўлган харажатларни тасдиқлаш, шу жумладан, Кузатув кенгашига, ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ваколатини бериш.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сонли Қарори мувофиқ Жамият инвестиция порффелидаги «Туронбанк» АТБ акцияларини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун 2023 йилнинг 5 июнь куни ҳолатига, йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2023 йилнинг 21 июнь куни ҳолатига акциядорлар реестри шакллантирилади.

Йиғилишга иштирокчилар видеоконференц алоқа орқали жалб қилиниши мумкин.

Акциядорлар йиғилишга оид ахборот (материаллар) билан "Ўзагросуғурта" АЖ Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2 уйда жойлашган маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: +998-71-216-57-69

"Ўзагросуғурта" АЖ Кузатув кенгаши.